

Зиммамиздаги масъулият янада ортади

Президент ташрифидан руҳланган сурхондарёлик «Адолат»чилар шундай дейишмоқда

Муносабат

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида каби, Сурхон заминиди ҳам истиқлол йилларида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Қадимий маданият ва деҳқончилик ўчоғи, инсоният тамаддунига бекиёс ҳисса қўшган, дунёда камдан-кам учрайдиган ўсимлик олами ва табиатига эга, бағрикенг инсонлар яшайдиган бу маконда рўй бераётган ижобий ўзгаришларнинг ҳам шоҳидлари, ҳам иштирокчилари эканлигимиздан фахрланамиз, албатта.

Ахир фақат кейинги йилларнинг ўзида 525 миллиард сўмлик маблағ сарфланиб барпо этилган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли бутун мамлакатимиз, қолаверса, Марказий Осиё миқёсида тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Собиқ шўро даврида фақат ҳарбийларнинг ёпиқ қалъасига айланган Термиз шаҳри йигирма йил ичида таниб бўлмас даражада гўзаллашиб кетди. Яқин йиллар ичида Термизда бунёд этилган 10 минг томошабинга мўлжалланган замонавий стадион, замонавий «Бахт ўйи» мажмуаси, Меҳрибонлик уйи, Термиз давлат университетининг мухташам биноси, янги-янги мактаб, лицей ва коллежлар, тиббиёт ва маданият масканлари... Утган беш йил давомида вилоятимизда иқтисодий ўсиш суръатлари ўртача 8,7 фоизни ташкил этди. Бу йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 123 фоизга етди. Иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган кичик биз-

нес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши беш йил ичида 63,9 фоиздан 73,8 фоизга етди, бу эса мамлакатимиздаги энг юқори кўрсаткичдир. Вилоятимиз иқтисодиётига жалб этилган инвестиция ҳақида гапирганда, сўнгги беш йил ичида умумий қиймати 70 миллиард 600 миллион сўмлик 18 та лойиҳа амалга оширилганини таъкидлаб ўтиш кифоя.

Афсуски, эришилган ютуқларга қарамасдан, вилоят экспорт таркиби асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан иборат бўлиб қолмоқда. Демак, даврнинг ўзи вилоятда саноат корхоналарини янада ривожлантириш, экспорт маҳсулотлар тайёрлаш, таркибий ўзгаришларни янада жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш масалаларини кун тартибига қўймоқда.

Давоми 2-бетда ➤



Эркин ва обод ватаннинг улуғ байрами

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги олдидан

Ватанимиз тарихига мангу муҳрланган воқеалар кўп. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ана шундай тарихий эврилишлар ичида энг буюк воқеадир. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топганига йигирма бир йил тўлмоқда. Бу йилларда халқимизнинг озод ва обод Ватан, янги давлат ва жамият барпо этиш йўлидаги буюк ишлари мужассам. Мустақиллик йилларида Ватанимиз, халқимиз ҳаётида, барчамизнинг онгу шуур ва тафаккуримизда рўй берган улкан ўзгаришларни кўз олдимизга келтирганимизда, истиқлолнинг буюк моҳияти ва аҳамиятини, мустақиллик аталмиш улуғ неъматнинг муқаддас заминимизда яшайдиган барча инсонлар ҳаётида тугган ўрнини янада теран англаймиз.

Мустақиллигимизнинг ҳар бир йили Ватанимиз солнома-сида том маънода эркин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, улкан бунёдкорлик салоҳиятининг амалий намоёни, эркин ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тисмоли сифатида катта танта-на билан байрам қилиб келинмоқда. Барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз айём — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрами яқинлашмоқда. Кунги кеча Президентимиз Ислам Каримов Ватанимиз ва халқимиз ҳаётидаги ушбу буюк сана — истиқлол байрамининг 21 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қарор қабул қилди. Унда «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан» деган эзгу гояни ифода этадиган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш белгиланган.

Истиқлол шарофати билан ўзлимизни, қандай буюк зотларнинг авлодлари эканлигимизни англадик, бунёдкор ва

яратувчи халқ сифатида мамлакатимизнинг улкан салоҳиятини ва имкониятларини бутун оламга намён қила олдик. Мустақиллик берган бекиёс имкониятлар натижасида эркин ва фаровон ҳаётимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.

Утган йиллар мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган туб ўзгаришлар ва ислохотларни, миллий қадриятларимизни тиклаш, бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш, давлатимиз ва халқимиз ҳавфсизлиги, тинчлиги ва оқилолигини таъминлаш, келажакимиз эгалари бўлиши баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатлар, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари самараси бутун яққол намоён бўлиб, барчамизга чексиз фахру ифтихор бахш этмоқда.

Бунга аввало, Президентимиз Ислам Каримов томонидан Ўзбекистоннинг имкониятлари ва салоҳияти, халқимизнинг ўзига хос менталитетини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган

мустақил ривожланиш йўли, машҳур беш тамойилга асосланган тараққиётнинг «Ўзбек модели»ни изчил ва босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиш самарасида эришилмоқда. Иқтисодиётнинг ёқилги-энергетика, нефть-кимё, автомобилсозлик, энгил саноат, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларини, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор, капитал қурилиш, замонавий автомобиль ва темир йўллар, коммуникация ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича қабул қилинган дастурлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.


Президентимизнинг узокни қўлаб олиб борган сиёсати тўғрисида юртимизда автомобилсозлик саноати йўлга қўйилди. Бир пайтлар бир машина олиш учун неча йиллар навбат кутган, кўпинча орзусига етолмай кетган юртдошларимиз бутун автомобилни танлаб олиш имкониятига эга.

Давоми 2-бетда ➤

Интеллектуал мулк — тараққиётнинг муҳим шарти

Депутат минбари

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданок фан тараққиётини ва инновацион технологияларни ривожлантиришга, интеллектуал мулк ҳуқуқини рўёбга чиқаришга ва ҳимоясини таъминлашга доир ҳуқуқий механизмларни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Пировардида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 августдаги «Илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, илмий-техник салоҳиятни янада мустаҳкамлаш, уни ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг долзарб масалаларини ҳал этишга сафарбар этиш ҳамда ҳамдўстлик мамлакатларида биринчилардан бўлиб инновацион фаолиятни фаоллаштириш чоралари белгиланди.



Қисқа муддатларда мамлакатимизда интеллектуал мулк эгалари ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунчилик базаси шаклланди. Бу борада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалга оширилган ишлар самараси йил сайин кўзга ташланиб бормоқда. Масалан, 2003-2006 йиллар давомида 7 мингга

яқин илмий-техникавий ютуқлар рўйхатга олинган бўлса, кейинги 5 йил оралиғида бу борадаги кўрсаткич 10 мингдан ошиб кетди. Жумладан, астрономия соҳасида — қуёш системасида янги планета очилди, 30 та янги ўзгаришчи юлдузлар аниқланди ва фотометрик мониторинг учун кўп вақт талаб қиладиган юлдуз-

ларнинг жадвали тузилди. Физика соҳасида — дунёда илк бор солитон ва солитон комплексларининг пайдо бўлиш механизми аниқланиб, оптик солитонлар назарияси ҳамда турли муҳитларда ночизикли тўқинларнинг тарқалиши ва эволюцияси назарияси яратилди.

Давоми 3-бетда ➤

Соғлом рақобат — тараққиёт гарови

Нуқтан назар

Жамиятда кечаётган демократик ислохотларнинг изчиллигини таъминлаш ва янада чуқурлаштириш, аҳолининг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишига замин яратишда ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин ифода этадиган ҳолис минбарга айлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида айтиб ўтилганидек, инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлиги мамлакатимизда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шартини, таъбир жоиз бўлса, тамал тошидир.

Давоми 4-бетда ➤

Фаолият самарадорлигини оширишга бағишланди

Пойтахтимизда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ташаббуси билан партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари учун «Ўзбекистон «Адолат» СДП ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш — давр талаби» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.



2-бет

Он-лайн танлов:

ёшлар фаоллиги ошмоқда

«Парламентаризм билимдони» он-лайн танлови БМТнинг «Парламент ривожланишини қўллаб-қувватлаш» тараққиёт дастури лойиҳаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган. Унинг регламентига мувофиқ, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар бевосита он-лайн танловда қатнашиш ва, албатта, чин маънода парламент билимдонига айланиш имкониятига эгадирлар.



5-бет

Маданият уйи эмас, тўйхона керакми!

...маданият уйлари кишилар дунёқарашини юксалтирадиган, одамларга руҳий-маънавий озиқ берадиган гўша эмасми? Бундай даргоҳларда турли маданий анжуманлар, давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар, учрашувлар, концертлар, театр томошалари уюштирилиши керак эмасми? Буларнинг ўрнига эса яна ва яна тўйхона!



5-бет

Партия ҳаёти

Эркин ва обод ватаннинг улуғ байрами

Давом. Боши 1-бетда

Энг асосийси, ўзимизнинг машинамиз. Бу автомобиллар бугунги кунда нафақат Ўзбекистон кўчалари, балки унлаб хорижий мамлакатлар кўчаларини беэб юрибди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан коммуникация ва транспорт тармоқларини ривожлантиришга иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Юртимизнинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашув учун шарт-шароит яратадиган, халқаро транспорт йўлакларини ва жаҳон бозорларига энг қисқа йўл билан чиқишни таъминлайдиган транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмаси янгиланди. Мамлакатимизнинг йирик шаҳарларидаги ҳаво дарвозалари — аэропортлар замон талаблари асосида реконструкция қилинди. Темир йўл вокзаллари замон руҳига мос равишда янги қиёфа касб этди.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларини Фарғона vodiysi билан боғлайдиган Қамчиқ довоида ерости йўлаги қурилди. Нарвоёй — Учқудуқ — Мискин — Султон Увайистог — Нукус йўналишидаги темир йўл ҳамда Амударё узра поезд ва автомобиллар қатнайдиган улкан кўприкнинг бунёд этилиши Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси учун улкан қулайлик яратишга қўлмай, йўловчи ва юк ташини муддатли, харажати кичик қилди. Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон йўналишидаги темир йўл эса жанубий вилоятларимизнинг иқтисодини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Тошкент — Самарқанд — Тошкент йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электропоезди қатнови йўлга қўйилди.

Мустақил бўлмаганимизда, бундай улғувор ишларни амалга ошира олармикидир!

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бундай улкан ҳажмдаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш ишлари кенг қўламада изчил давом эттирилмоқда. Биргина мисол, Қорақалпоғистонда барпо этилаётган Усторт газ-кимё мажмуаси ишга тушган, ушбу корхонада йилга 4,5 миллиард куб метр табиий газ, 400 минг тонна юқори зичликдаги полиэтилен, 100 минг тонна пиролиз бензини ишлаб чиқарилади, бевосита мажмуанинг ўзида мингдан ортиқ янги иш ўрни очилади. Шунингдек, пластмасса маҳсулотлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ўсиб бораётган талабини қондирувчи материаллар тайёрлаш, кимё тармоғи, машинасозлик, электротехника, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби кўплаб соҳаларда тайёр маҳсулотлар чиқаришни кенгайтириш борасида янги имкониятлар пайдо бўлиди.

Умуман, 2012 йилда мамлакатимизда қиймати қарийб 24 триллион сўмга тенг 270 дан ортиқ лойиҳа якунига етказилиши кўзда тутилган бўлиши бундай ишлар қўлами ҳақида тўлиқ тасаввур беради.

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг суръати вақтни ҳам шошириб қўймоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиздаги туб ўзгаришлар натижасида юртимизнинг қиёфаси ўзгариб бораётганидан кўз қувонади, дил яйрайди. Йилдан-йилга қўлами ва миқдори кенгайиб бораётган, одамларнинг оғирини енгил қилишга, ҳаёт даражаси ва фаровонлигини оширишга қаратилган бундай ишлар истиклол берган имкониятларнинг амалий ифодасидир.

Президентимиз Ислам Каримов келажаги ҳақида гапхўриқ қиладиган халқ ўз мақсадларига албатта эришади, дейди. Мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган салмоқли ишлар, хусусан, минглаб мактаб, лицей ва коллежлар қурилгани, реконструкция ва таъмирдан чиқарилгани, замонавий ўқув воситалари ва жиҳозлар билан таъминлангани, болалар спорт мажмуа ва иншоотлари барпо этилгани, узокни кўзлаб қилинаётган бу ишлар изчил давом эттириладигани ана шу фикрнинг ёркин тасдиғидир.

Таълим-тарбия жаҳон миқёсида мамлакат рақобатдошлигини оширишнинг муҳим омилidir. Давлатимиз раҳбарининг ушбу соҳа ривожига шахсан кўрсатаётган доимий эътибори муваффақиятларнинг ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Ўзбекистонда давлат бюджетидан таълим соҳасига ажратилаётган харажатлар ялли ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани дунёда кўпчиликнинг ҳавасини келтирмоқда. Жорий йилнинг февраль ойида пойтахтимизда ўтган «Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш —

мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари ҳам юртимизнинг таълим-тарбия соҳасидаги миллий моделини яқдиллик билан эътироф этдилар.

Анжуманда иштирок этган Осиё тараққийёт банки президенти Харухико Курода «ишончим комилки, таълим соҳасига йўналтирилаётган катта ҳажмдаги инвестициялар Ўзбекистоннинг энг илғор мамлакатлар қаторидан жой олишига замин яратади. Ўзбекистоннинг таълим модели энг замонавий талабларга жавоб берадиган таълим муассасалари барпо этиш билангина чекланмайди. Ушбу модель, авваламбор, сифатга, яъни ўқитувчилар, ўқувчилар, талабалар, ўқув дастурлари ва пировард натижада билимлар сифатини оширишга асосланган. Бундан ташқари, глобаллашув билан боғлиқ эҳтиёжлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган маъмур таълим модели Ўзбекистоннинг Осиёда, умуман, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади», деб алоҳида таъкидлади.

Дунёда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан ҳар томонлама беллашувга тайёр етувчи ва барқарор авлодни тарбиялаш бўйича амалга ошириладиган бундай миллий дастурларимиз самарасиз бўлиб қолмасинки, бизнинг қўқиларини кунт билан эгалламоқда, хунар ўрганмоқда, Ватанимиз эртанги тақдирини ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб олга етмоқда. Кўплаб ўғил-қизларимиз халқаро фан олимпиадаларида, дунё миқёсидаги спорт мусобақаларида, санъат бўйича ўтказиладиган турли кўрик-танловларда ўз иқтидор ва салоҳиятини намойиш этиб, кўлга қиритган улкан галабалари билан Ватанимиз шон-шухратини бутун дунёда тараннум этмоқдалар.

Мустақиллик шарофати билан эришилаётган бундай улкан ютуқ ва марралар юртимизда яшайётган, «Йилдаги 100 та дийда» катги назар, барча инсонларнинг қалби ва онига етиб бормоқда, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтармоқда. Энг муҳими, барчамизни эркин ва обод ҳаёт қуриш йўлидаги эзгу ишларга сафарбар этадиган ҳаётбахш куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг январь ойида жаҳоннинг йирик молия муассасаларидан бири бўлмиш HSBC банкининг глобал тадқиқотлар департаменти «Жаҳон 2050 йилда» номли ҳисоботни эълон қилди. Дунё мамлакатлари иқтисодийнинг бугунги даражаси ва 2050 йилгача бўлган даврда ривожланиш имкониятларини белгиловчи омилларни таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган маъмур ҳисоботда Ўзбекистон жаҳоннинг тез ривожланаётган 26 мамлакат орасида 11-ўринда қайд этилган. Ҳисоботда прогноз қилинишича, 2050 йилга бориб, мамлакатимизнинг ялли ички маҳсулотини 314 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, жаҳонда 51-ўринни эгаллайди. Ҳужжатда Ўзбекистон ялли ички маҳсулотининг ўсиши 2010-2020 йилларда йилга ўртача 8,2 фоизни ташкил қилиши таъкидланган.

Бизнинг ўз олдимишга қўйган мақсад ва режаларимиз аниқ ва равшан, яъни дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтириш йўлидаги ишларимизни изчил давом эттиришидир. Утган йиллар давомида эришилган улғувор натижалар эса халқимизни ўзи таллаган ҳаётий принциплардан чекинмаслигини, юртимизда ислохотларнинг ортага қайтариб бўлмайдиган даражада муқаррарлик касб этганини ҳаққон намоён этмоқда.

Жаҳондаги ҳар бир мамлакатнинг ўз чиройи ва таровати, ўзига хос жозибаси бор. Бизнинг бахтимиз, толемиз шуки, ана шу юртлар ичида бетақрор, ҳаммамиз учун ягона ва энг азиз бўлган она Ўзбекистонимиз бор. Биз, киндик қони шу табарруқ туپроққа томган Ўзбекистон фарзандлари, ўзимизни шу Ватандан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз. Тупроғимиз шу муқаддас заминдан олинган, зуваламиз шу муқаддас диёр сувиға қорилган. Ўзбекистон ҳар биримизнинг тақдиримиз, бу дунёда ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган буюк ва бебаҳо хазинамиздир. Бу бизнинг бахтимиз. Шу боис эркин ва обод Ватанимизни кўз қорачигидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш ҳар биримизнинг муқаддас инсоний, фарзандлик бурчимиздир.

Олим Тўрақулов, ЎЗА шарҳловчиси

Ўқув-семинар

Пойтахтимизда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ташаббуси билан партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари учун «Ўзбекистон «Адолат» СДП ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш — давр талаби» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, туман ва шаҳар кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гурӯҳи аъзолари, БПТ раислари, «Аёллар» ва «Ёш адолатчилар» қаноти етакчилари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.



Фаолият самарадорлигини оширишга бағишланди

Ўқув-семинарда партия фаоллари «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси», шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққийотини янги босқичга кўтаришда» номли маърузаси, «Мустақам оила йили» Давлат дастури, партия Сайловолди дастури, партия Сийёсий Кенгаши Пленумлари қабул қилган қарорлар ижросини таъминлашга қаратилган ҳаракат дастурлари, тегишли дастурий ҳужжатлар, иш ре-

жаларни бажаришда фаоллик ва самарадорликни ошириш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сийёсий ҳаётида партиянинг ўрнини мустақамлашга йўналтирилган масалаларни ҳал қилишдаги ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, партиянинг муҳим бўғинлари ҳисобланган — «Аёллар» ҳамда «Ёш адолатчилар» қаноти, Матбуот хизмати, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятидаги самарадорликка эришишга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, тадбирда партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан йўл қўйилган камчиликлар, айрим туман кенгашлари раисларида кузатилаётган масъулиятсизлик, кадрларда сийёсий ташкилотда фаолият юритиш талаб этиладиган билим ва

кўникмаларнинг мавжуд эмаслиги танқид остига олинди. — Семинарда жорий йилда бошланғич партия ташкилотлари олдида турган устувор вазифаларни амалга ошириш чоралари ва усулларини очиб бериш ҳамда улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш бўйича ўзаро фикр алмашилди, — дейди партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Паридат Пармонова. — Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 6436 партия аъзоси 228 БПТга бирлашган бўлиб, улар партиядан туман Кенгашларига сайланган 10 нафар депутат билан ҳамкорликда партия дастурий ҳужжатларини амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда. Тошкент шаҳридаги партия кадрлари, «Ёш адолатчилар» ва Аёллар қанот-

лари, БПТ котиблари фаолиятида самарадорликни ошириш масаласида ўтказилган бу каби ўқув-семинарларда иштирокчилар мамлакатимизда амалга оширилаётган сийёсий модернизация ва фуқаролик жамиятини мустақамлаш жараёнлари, механизмлари, ушбу жараёнда сийёсий партияларнинг иштироки ҳақида янада кўпроқ ахборотга эга бўлишмоқда. Тadbир якунида қўрилган масалалар юзасидан иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирилди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

Таълим муассасаларида

муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни оммалаштириш лозим

Парламентда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази тизимларида ижро этилиши юзасидан 2011 йилнинг 8 июлида қабул қилинган Кўмита қарори ижросининг мониторинги яқунлари муҳокама қилинди.

Йиғилиш кун тартибидеги масала юзасидан Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази раҳбарларининг ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, таълим муассасаларини компьютер техникаси ва мультимедиа воситалари билан таъминлаш, уларни интернет ва «ZiyoNet» таълим тармоғига улаш ишлари белгиланган режа асосида амалга оширилмоқда. Биргина 2011 йилда умумтаълим мактаблари ва ўрта-махсус таълим муассасаларини замо-

лакасини ошириш мақсадида махсус ўқув дастури асосида умумтаълим мактабларининг 423574 нафар, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларининг 115836 нафар педагог-ҳодимлари малака ошириш курсларида ўқитилди.


Ўқувчи-ёшларни таълимга оид ахборотлар билан таъминлаш мақсадида ўтган йилда «ZiyoNet» жамоат ахборот таълим тармоғига 200 дан ортиқ ўқув адабиётлари ва ўқув дастурлари, 1900 дан ортиқ таълим ресурслари жойлаштирилди. Замонавий ўқув материалларидан фойдаланиш имкониятини таъминловчи ахборот-таълим портали (www.eduportal.uz), унга 40 дан ортиқ мультимедиа материаллари, виртуал лаборатория, турли тестлар ва бошқа керакли ахборотлар жойлаштирилди.

Йиғилишда, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази тизимида ахборотлаштириш соҳасидаги мавжуд муаммо ва камчиликлар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Халқ таълими вазирининг ўринбосари Бахтиёр Донёиров умумтаълим муассасаларида замонавий ахборот коммуникация воситалари ва мультимедиа дастурларини жорий этишни такомиллаштириш, соҳадаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф этишда Ўзбекистон «Адолат» СДП билан ҳамкорликда ташкил этилган худудий он-лайн мулоқотлар муҳим ўрин тутганини таъкидлаб, партия фракцияси аъзоларига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Йиғилиш сўнггида соҳага доир қонунчиликни ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиб, Қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Илёс САХАТОВ



Зиммамиздаги масъулият янада ортади

Президент ташрифидан руҳланган сурхондарёлик «Адолат»чилар шундай дейишмоқда

Давом. Боши 1-бетда

Бошқача айтадиган бўлсак, партияимизнинг сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни аниқ ва изчил тарзда амалиётга татбиқ эта боришимиз лозим.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилган ҳолда бугунги куннинг долзарб вазифалари хусусида ҳам кўнучнаклик билан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Хусусан, фермер хўжалиқларини замон талабларига мос равишда ривожлантириш, уларга барча шарт-шароитлар яратиб бериш, имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, солиқ юқини камайтириш каби масалалар шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига қамраб олиш борасидаги ишларнинг аҳволи ҳақида ҳам сўз юритар экан, келажакимиз давомчилари бўлган ёшларимизнинг пухта таълим олишлари, касб-хунар эгаси бўлиб етишишлари хусусида ҳам фикрларини баён этди.

Дарҳақиқат, бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Бу

Сулв ҲАМИДОВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси, халқ депутатлари вилояти Кенгаши депутати

Интеллектуал мулк — тараққиётнинг муҳим шарт

Давоми. Боши 1-бетда

Математика соҳасида — квант эҳтимоллар назарияси муаммоларини ечиш учун янги усуллар кашф этилди. Информацион технологиялар бўйича дунёда биринчи бўлиб ярим нодир минералларни тўла нодирлаштириш технологияси ишлаб чиқилди. Олмалик ТМК, Навоий ТМК ва «Ўзметкомбинат» ИБда энергияни 20 фоизга тежаш имконини берувчи курилманин жорий этилиши натижасида бир йилда ўртача 377,4 млн. кВт.соат энергия тежалиб 24 млрд.сўм иқтисодий самарага эришиш имкони вужудга келди.

Бундай мисолларни жуда кўпайта келтириш мумкин. Эришилаётган ютуқлар фуқароларимизнинг илмий-техникавий ижод эркинлигидан кенг фойдаланаётганлиги баробарида, мамлакатимизнинг иқтисодий кудратини ривожлантиришга, жаҳон ҳамжамияти олдидаги мавқеини оширишга хизмат қилаётгани билан ҳам эътирофга моликдир.

Миллий ва халқаро тажрибадан маълумки, иқтисодиёт ва жамиятнинг тараққиёт даражаси кўп жиҳатдан интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича яхши ривожланган ва изчил йўлга қўйилган тизимга боғлиқ. Зеро, иқтисодиётдаги самарадорлик ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар ва ихтироларнинг жорий этилиши эвазига юксалиб боради.

Интеллектуал мулкнинг тараққиёт этиши ўз навбатида, иқтисодиётга сармоялар киритилишига, инновацион технологияларнинг жорий этилиши эса халқ ҳўжалигининг модернизациялашувига ҳисса қўшади. Шу боисдан мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш зарурлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 май кунги «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори билан интеллектуал мулк соҳасида бир-биридан мустақил фаолият юритиб келган Давлат патент идораси ҳамда Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ташкил этилди. Натижада халқимизнинг илмий-техникавий ижод эркинлигидан самарали фойдаланиши учун янада кенгроқ шароитлар яратилди. Интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, ягона ёндашувни таъминлаш, мамлакатимизнинг ушбу соҳадаги халқаро шартномаларини тайёрлаш ва ҳаётга татбиқ

этиш бўйича яхлит тизим вужудга келди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон 1991 йилдан бўён Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг аъзоси ҳисобланади. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти бугунги кунда 180 дан ортиқ давлатни ўзида бирлаштирган халқаро ташкилотдир. Бундан ташқари, дунёнинг кўпайта давлатларида интеллектуал мулк соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш бўйича ягона давлат органи фаолият юритади. Масалан, Швейцарияда — Швейцария федерал интеллектуал мулк институти, Буюк Британияда — Интеллектуал мулк офиси шулар жумласидандир. Ушбу ташкилотлар интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича ягона давлат органи сифатида муаллифлар, ноширлар ҳамда ижрочиларнинг мулк ҳуқуқларини биргаликда бошқаришга қаратилган инфратузилмани ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир имкониятларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 328, 329 ва 331-моддалари ҳам тақомиллаштирилди. Натижада, Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги — интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кўзлаб судларга киритилган даъволар юзасидан давлат божи тўлашдан озод этилди.

Шунингдек, Фуқаролик кодекси ҳамда «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги, «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги, «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги қонунларнинг тегишли нормалари ҳам янги ном ва атамалар билан тақомиллаштирилди.

Ушбу йилда таъкидлаш жоизки, «Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганлиги мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасидаги қоида ва атамаларни унификациялашиши ва бир хилда қўлланилишида, юридик ва жисмоний шахсларнинг ортиқча молиявий харажатлардан халос этилишида, интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш усуллариининг кенгайишида муҳим аҳамият касб этади.

Соҳадаги ривожланишларга мутаносиб равишда «Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. 2011 йил 28 декабрь куни кучга кирган мазкур Қонунга кўра, амалдаги

бир неча қонун нормалари янгилаштирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддаси 2-қисми чиқариб ташланди. Натижада Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахсларининг ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказишга бўлган чекловлар бартараф этилди.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги Қарорига 1-ило-ваннинг айрим нормалари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир имкониятларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 328, 329 ва 331-моддалари ҳам тақомиллаштирилди. Натижада, Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги — интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кўзлаб судларга киритилган даъволар юзасидан давлат божи тўлашдан озод этилди.

Шунингдек, Фуқаролик кодекси ҳамда «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги, «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги, «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги қонунларнинг тегишли нормалари ҳам янги ном ва атамалар билан тақомиллаштирилди.

Ушбу йилда таъкидлаш жоизки, «Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганлиги мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасидаги қоида ва атамаларни унификациялашиши ва бир хилда қўлланилишида, юридик ва жисмоний шахсларнинг ортиқча молиявий харажатлардан халос этилишида, интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш усуллариининг кенгайишида муҳим аҳамият касб этади.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси



Қуйи бўгин — партия таянчи

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда партия ролини ошириш учун қуйи тузилмаларда ишга ёндашувни янгилаш — асосий вазифа. Чунки, айнан бошланғич ташкилотларига партия электорати билан бевосита ишлаш жараёнида жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолардан хабардор ва уларни самарали ҳал этишда муҳим бўгин саналади.

Амалий ишлар муваффақиятга етаклайди

Шу тўғрисида ҳозир Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳузурда комиссия тузилиб, БПТ ишини ўрганиш ва қайта кўриб чиқиш, шаҳар ва туман партия ташкилотлари ҳисобида турган партия аъзоларининг рўйхатини кўриб чиқиш, уларни янгилаш, аъзолик бадалаи тушумини таъминлашни йўлга қўйиш каби ишлар олиб борилаётган. Бошланғич ташкилотлар фаолият самарадорлиги ва улар аъзолари сонини кўпайтириш мақсадида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ҳамда шаҳар Кенгаши депутатлари иштирокида жойларда давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.



Шунингдек, шаҳар, туман партия кенгашлари раислари ва БПТ етакчилари иштирокида ҳар ҳафтада кундалик вазибаларни бажариш ҳамда ижро назорати тизимини ташкил этиш юзасидан йиғилишлар уюштириш чора-тадбирлари ҳам йўлга қўйилди. Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон шаҳар кенгашида ташкил этилди. «Бугунги ислохотлар жараёнида партия ташкилотларининг ўрни ва БПТ фаолиятини жонлантириш — долзарб масала» деб номланган мазкур тадбирда шаҳар партия кенгашининг мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида партия ташкилотлари ўз ишига масъулият билан ёндашаётган ўнлаб партиядошларимиз, ўзларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маърифий ўзгаришлар, ислохотлар моҳиятини одамларга етказиш, аҳолида бу жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳисси ва қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш борасидаги амалий ишлари муҳокама қилинди.

— Андижон шаҳридаги Андижон давлат тиббиёт институти клиник шифохонасидаги қуйи бўгин фаоллари томонидан ташкил этилган «Мустақам оила — жамият таянчи», «Ёшлар ОИТСга қарши», «Соғлом авлод — жамият таянчи» каби тадбирларда кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар иштирокига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда Андижон шаҳрида «Адолат» СДП мавқеини янада мустақамлашга хизмат қилаётган «Яхши», «Хурсандлик», «Озодлик» каби маҳаллардаги БПТ фаолиятини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур бошланғич партия ташкилотлари ўз ишига масъулият билан ёндашаётган ўнлаб партиядошларимиз, ўзларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маърифий ўзгаришлар, ислохотлар моҳиятини одамларга етказиш, аҳолида бу жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳисси ва қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш борасидаги амалий ишлари муҳокама қилинди.

— Андижон шаҳридаги Андижон давлат тиббиёт институти клиник шифохонаси, Ви-

лоят «Сувоқова» ОАЖ ҳамда «Андижон наشريёт матбаа» ОАЖдаги БПТлар фаолияти бу борада фаол жамоалардан — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон шаҳар кенгаши раиси Ҳаётбек Тиллабоев. — Улар ўз фаолиятларида амалий ишларни кучайтиришга, фуқаролар ўртасида ислохотлар самараси учун чуқур масъулият ва сафарбарликни қарор топтиришга ҳаракат қилмоқда. Бу тақомиллашган турли тадбирларда, аҳоли билан юзма-юз учрашувларда ўз ифодасини топаётди.

Андижон давлат тиббиёт институти клиник шифохонасидаги қуйи бўгин фаоллари томонидан ташкил этилган «Мустақам оила — жамият таянчи», «Ёшлар ОИТСга қарши», «Соғлом авлод — жамият таянчи» каби тадбирларда кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар иштирокига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда Андижон шаҳрида «Адолат» СДП мавқеини янада мустақамлашга хизмат қилаётган «Яхши», «Хурсандлик», «Озодлик» каби маҳаллардаги БПТ фаолиятини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур бошланғич партия ташкилотлари ўз ишига масъулият билан ёндашаётган ўнлаб партиядошларимиз, ўзларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маърифий ўзгаришлар, ислохотлар моҳиятини одамларга етказиш, аҳолида бу жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳисси ва қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш борасидаги амалий ишлари муҳокама қилинди.

— Андижон шаҳридаги Андижон давлат тиббиёт институти клиник шифохонаси, Ви-

лоят «Сувоқова» ОАЖ ҳамда «Андижон наشريёт матбаа» ОАЖдаги БПТлар фаолияти бу борада фаол жамоалардан — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон шаҳар кенгаши раиси Ҳаётбек Тиллабоев. — Улар ўз фаолиятларида амалий ишларни кучайтиришга, фуқаролар ўртасида ислохотлар самараси учун чуқур масъулият ва сафарбарликни қарор топтиришга ҳаракат қилмоқда. Бу тақомиллашган турли тадбирларда, аҳоли билан юзма-юз учрашувларда ўз ифодасини топаётди.

Андижон давлат тиббиёт институти клиник шифохонасидаги қуйи бўгин фаоллари томонидан ташкил этилган «Мустақам оила — жамият таянчи», «Ёшлар ОИТСга қарши», «Соғлом авлод — жамият таянчи» каби тадбирларда кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар иштирокига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда Андижон шаҳрида «Адолат» СДП мавқеини янада мустақамлашга хизмат қилаётган «Яхши», «Хурсандлик», «Озодлик» каби маҳаллардаги БПТ фаолиятини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур бошланғич партия ташкилотлари ўз ишига масъулият билан ёндашаётган ўнлаб партиядошларимиз, ўзларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маърифий ўзгаришлар, ислохотлар моҳиятини одамларга етказиш, аҳолида бу жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳисси ва қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш борасидаги амалий ишлари муҳокама қилинди.

— Андижон шаҳридаги Андижон давлат тиббиёт институти клиник шифохонаси, Ви-

лоят «Сувоқова» ОАЖ ҳамда «Андижон наشريёт матбаа» ОАЖдаги БПТлар фаолияти бу борада фаол жамоалардан — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон шаҳар кенгаши раиси Ҳаётбек Тиллабоев. — Улар ўз фаолиятларида амалий ишларни кучайтиришга, фуқаролар ўртасида ислохотлар самараси учун чуқур масъулият ва сафарбарликни қарор топтиришга ҳаракат қилмоқда. Бу тақомиллашган турли тадбирларда, аҳоли билан юзма-юз учрашувларда ўз ифодасини топаётди.

Андижон давлат тиббиёт институти клиник шифохонасидаги қуйи бўгин фаоллари томонидан ташкил этилган «Мустақам оила — жамият таянчи», «Ёшлар ОИТСга қарши», «Соғлом авлод — жамият таянчи» каби тадбирларда кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар иштирокига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда Андижон шаҳрида «Адолат» СДП мавқеини янада мустақамлашга хизмат қилаётган «Яхши», «Хурсандлик», «Озодлик» каби маҳаллардаги БПТ фаолиятини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур бошланғич партия ташкилотлари ўз ишига масъулият билан ёндашаётган ўнлаб партиядошларимиз, ўзларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маърифий ўзгаришлар, ислохотлар моҳиятини одамларга етказиш, аҳолида бу жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳисси ва қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш борасидаги амалий ишлари муҳокама қилинди.

Зулфия Танлов Ғолиби

«Ёш адолатчилар»

«Келажак овози» республика кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичида Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти «Ёш адолатчилар» қанотининг фаол аъзоси, УрДУ қошидаги академик лицейнинг 3-босқич талабаси Зулфия Отабоева ғолиб чиқиб, республика босқичига йўлланма олди.

Шу муносабат билан «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгашида ташкил этилган тадбирда истиқлол йилларида ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамоллигига эришиш давлатимиз сиёсатининг асосига айланганлиги, ёшлар ўз иқтидорларини намояндалаштириш учун кенг майдон яратилганлиги алоҳида таъкидланди.

— «Адолат» социал-демократик партияси ёшларни ўзининг ижтимоий соҳадаги сиёсати марказига қўяди, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши раиси ўринбосари Зеваржон Юсупова. — Ёшларнинг салоҳиятини Ватан равнақига йўналтиришни ўз вазифаси, мақсад-муддаоси деб билади. Бу вазифани муваффақиятли бажаришда ёшларнинг ўзларини кўрсатишлари, мавжуд шарт-шароитлардан оқилона фойдаланишлари учун уларга ҳар томонлама кўмак бериб келинмоқда.

Вилоят партия Кенгашида иқтидорли ёшларни муносиб тақдирлаш мақсадида ташкил этилган ва бугунда анъанага айланган «Адолат дўпписи» эсдалик совғаси Зулфия Отабоевага тантанали равишда топширилди.



Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши матбуот хизмати

Сиёсий модернизация жараёнлари

унда фаол иштирок этиш учун партиянинг барча тармоқлари фаолиятини кучайтириш талаб этилади

Ўз-ўзини танқид

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгашига қарашли ҳудудий партия ташкилотлари таркибиде 14 туман ва 4 та шаҳар партия ташкилотлари, улар таркибиде эса 9 минг нафарга яқин партия аъзоларини бирлаштирган 311 та БПТ фаолият юритмоқда. Бугун вилоят партия Кенгаши Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг энг етакчи партия ташкилотларидан бири саналади. Айниқса, партия сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда улар катта тажрибага эга, десак муболаға бўлмайди. Бунга биргина мўқобил энергия манбаларидан фойдаланишни оммалаштириш бўйича олиб бораётган амалий ишлари мисол бўла олади.

Ҳаёт ҳар куни олдимизга янги вазифаларни ва уларни ҳал этишнинг янги шартларини қўймоқда. Вилоят партия Кенгаши фаолиятида эришилган ютуқларга қарама-дара баъзи ҳудудий партия ташкилотларида камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Бу салбий ҳолатлар айрим туман ва шаҳар партия ташкилотлари таркибидеги БПТ фаолиятида учраб турибди. Хусусан, партиянинг Бўха, Оққўрғон, Чиноз туман-

лари ҳамда Олмалик ва Бек-обод шаҳарларидаги баъзи БПТ шулар жумласидандир. Улар томонидан ўтказилаётган тадбирларни сифат жиҳатидан талаб даражасида, деб бўлмайди. Тадбирларнинг ўтказилиш шакли ва мавзулари деярли бир-биридан катта фарқ қилмайди. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи билан яқин ҳамкорлик ўрнатилмаган. Шу билан бирга,

баъзи партия тузилмаларида ишга эскича ёндашув ҳали ҳам ҳужмрон бўлаётганлиги, вилоят партия Кенгашининг иш услубини ўзгартириш лозимлиги юзасидан қилинаётган ишлари самарадорлигига соя солмоқда.

Тўғри, вилоят партия Кенгаши партия моддий-техника базасини бойитиш бўйича олиб бораётган ишлари талаб даражасида ташкил этилган. Шу билан бирга, партия имижини шакллантиришга оид тархатма материаллар, кўрғазма материаллардан ҳам етарлича фойдаланилмоқда. Масалан, чекка ҳудудларда партия баннерлари етказиб берилган. Партия кадрларининг сиёсий онгини юксалтиришга қаратилган сиёсий ўқиш машғулотлари ҳам мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Энг асосийси, партия қуйи органлари фаолиятини тақомиллаштириш бўйича марказий партия органларига берилаётган тавсия ва таклифлар етарлики. Партия аъзолик бадалларини тўлаш ва уларни йиғиш ҳам тизимли равишда йўлга қўйилган.

Бироқ ҳозирги пайтда мониторинг ишлари шуни кўрсатдики, Олмалик ва Бек-обод туманларидаги бошлан-

ғич партия ташкилотларида йиллик иш режалар мавжуд эмас, йиғилишлар номигагина ўтказилади ёки умуман ўтказилмайди.

Мухтасар айтганда, бугунги модернизация жараёни партиядошларимиздан ҳар жаҳада фаол бўлишни, амалга ошираётган ишларимиз фақат расмиятчилик учунгина эмас балки, ўз электоратимиз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишда партияимиз ролини янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Юқорида келтирилган нуқсон ва камчиликлардан хулоса чиқарган ҳолда жорий Мустақам оила йилида амалга оширилиши режалаштирилаётган ишларимизда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»даги устувор йўналишларда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, амалга оширилаётган сиёсий модернизация жараёнларида фаол иштирок этиш учун партиянинг барча бўгинлари фаолиятини кучайтириш зарур.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши матбуот хизмати

Соғлом рақобат — тараққиёт гарови

«Давом. Боши 1-бета»

Мустақиллик йилларида бу мақсадга эришиш борасида самарали ишлар қилинди. Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асосини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга мос келадиган қонунчилик базаси яратилди. "Ахборот эркинлиги принциплари ва қарорлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши одамларнинг ўзлари истаган ахборотни ҳеч бир монеликсиз олиш, айна чоғда, ахборотни муҳофаза қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш имконини берди. Натижада миллий матбуотимиз саҳифаларида собиқ тўзум шароитида тақиқлаб қўйилган гоит муҳим ва долзарб мавзулар, танқидий мушоҳадалар, баҳс-мунозара кўрина бошлади. Жамият ҳаётини демократлаштиришда оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларни янги шароитларга мос равишда йўлга қўйиш, тахририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан ўтказилиши мумкин бўлган босимларни бартараф қилиш бирламчи вазифа бўлиб қолди. Мамлакатимиз сиёсий ҳаётда кўппартиявийлик вужудга келган, бу вазифанинг аҳамияти янада ортди.

Собиқ тўзум пайтида матбуотга яққоҳим партианнинг "нишонни бехато урадиган гоёвий курули" мақоми берилган бўлиб, тахририятлар асосан, юқоридан бўладиган кўрсатма асосида фаолият юритар, хоҳлаган кишини кўкларга кўтариб мақташи, ундан сунъий қаҳрамон ясаши, ёки аксинча, беаёв танқид қилиши мумкин эди. Ўтган асрнинг етимишчи йилларида чоп этилган марказий газеталарнинг тахламлирини бугун варақлаган киши матбуот собиқ тўзум мафқурасига садокат билан хизмат қилганига амин бўлади. Гап шундаки, жамиятнинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий қиёфаси, энг аввало, унинг матбуотида аксини топади. Жамият қандай бўлса, унинг тасарруфидидаги матбуот ҳам шундай бўлади.

Тан олиш керакки, неча ўн йилликлар давомида ягона ҳукмрон мафқуранинг кўрсатмалари асосида иш кўриб келган матбуотнинг эркин демократик йўлга ўтиши осон кечмади. Жамиятда тамомла янги реаллик — ошкоралик, баҳс-мунозара муҳити юзага келаётганда, матбуотда аввалгидек курак ҳамда сано эмас, жиддий танқидий мулоҳазалар ҳам эълон қилинаётганда. Кўпгина раҳбарларга мустақиллик матбуоти, аввалгидек, ҳукм чикарувчи, одамларнинг тақдирини ҳал қилувчи қурол эмас, жамиятдаги турли соғлом қарашларни, турлича нуқтаи назарларни эркин ифодаловчи демократик минбар эканини тушунишлари учун анча вақт сарф бўлди. Шу босидан ҳам айримлар матбуот ошкор қилган камчиликларини тан олиш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш ўрнига мухбирларни, тахририятни ёмонотликка чиқариш йўлига ўтдилар. Бундай нохушликлар анча вақт давом этди.

Матбуотда фикрлар хилма-хиллигига эришиш, баъзилар талқин қилганидек, мавҳум, бажариб бўлмайдиган талаб эмас. Фикрлар хилма-хиллиги — бу миллий тараққиёт йўлида белгиланган мақсад-мудда-ога етишнинг хилма-хил йўллари, шакл ва усуллари билан боғлиқ тушувча. Шундай экан, матбуот жамиятдаги маълум тоифа ёки айрим гуруҳларнинг ҳаёт ҳақиқатида зид, жамиятда носоғлом муҳитни юзага келтириши мумкин бўлган, хиссиётларни ўринсиз кўзгайидиган, қимларнингдир фарзали манфаатларига хизмат қиладиган "мулоҳаза"ларни бемалол чоп этувчи имкониятга айланмаслиги керак.

Матбуотнинг мавқеи, сўзининг таъсирчанлиги, энг аввало, унинг мустақил фикри, аниқ позицияси, воқеа-ҳодисаларга ҳолис баҳо бера олиши ва, албатта, хабардорлик даражаси билан боғлиқ. Ахборот, турли янгиликлар, воқеа-ҳодисаларнинг тафсилотлари, уларнинг сабаб ва оқибатлари хусусидаги таҳлил ва мушоҳада матбуотнинг, у қандай мақомда бўлишидан қатъи назар, қон томири ҳисобланади. Ҳаётнинг бугунги тезкор шиддати, одамларнинг турмуш тарзи, дунёқарашда, ўй-фикрларида юз бераётган ўзгаришлар журналистлардан касб маҳоратларини тинимсиз ошириб бериши, мамлакат, миллат, жамият олдида турган энг муҳим, долзарб вазифаларни теран идрок этиши талаб этмоқда. Шу маънода Юртбошимизнинг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш тақдирини жамиятимизда демократик тамойилларни янада мустаҳкамлаш, матбуот ва сўз эркинлигини янги сифат босқичига кўтариш пайти келганининг адолатлидир. Чунки жамият очик бўлмас экан, матбуот ўзи-

ўзини танқид" рўкнлари остида эълон қилинаётган материалларга бугун эҳтиёж ҳам, қизиқиш ҳам катта десак, хато бўлмайди. Бу материалларнинг зарур ва афзаллиги шундаки, ҳар қандай тортишув, баҳс-мунозара, агар у мақсадга мувофиқ даражада олиб берилса, бефойда, ўринсиз "даханаки жанг"га айланмаса, жамиятда сиёсий маданият ошадди, тафаккур ривожланади, одамларнинг ижтимоий фаоллиги юксалди. Мантиқан яқунланган ҳар бир мунозара жамиятнинг турли қатламларига мансуб кишиларни миллий гоёмизнинг асосий тамойиллари ҳисобланган эл-юрт тинчилиги, Ватан равнақи ва халқ ҳаётининг фаровонлигига бефарқ бўлмасликка, бу борада фидойи ва куюнчак бўлишга даъват этади.

Истиқлол йилларида қабул қилинаётган қонунларнинг барчаси сиёсий партияларнинг мамлакат Қонунчилик палатасидаги фракциялари томонидан қизгин муокама қилинади. Табиийки, бу жараённи ёритиш ҳам партия нашрлари зиммасига тушади. Бундан англашладиган ҳулоса шунки, партия нашрларида қалам теб-

Баҳс-мунозара дегани — фақат тортишиш, иккинчи томоннинг фикрини тамомла рад этиш, қабул қилмаслик, ўзининг ҳамиша ҳам тўғри ва холис бўлмаган қарашларини зўр бериб тасдиқлаш дегани эмас. Иккинчидан, баҳс-мунозарадан мақсад — баҳслашиб-тортишиб, бирор-бир муаммонинг тўғри ва адолатли ечимини топиш ва уни ҳал этишдан иборат эмасми?! Иккинчидан, баҳс-мунозарадан мақсад — баҳслашиб-тортишиб, бирор-бир муаммонинг тўғри ва адолатли ечимини топиш ва уни ҳал этишдан иборат эмасми?! Ҳаётда шундай бўладик, гоҳо рақиб томоннинг фикри, тажрибаси, бошлаган ташаббуси ҳам қўл келиб қолади.

нинг бош вазифасини тўла адо эта олмайди, унинг қон томирларида ахборот оқими сувлашиб қолади. Вақтида айтилган, етказилган ва мушоҳада қилинган ахборот эса, шубҳасиз, тараққиётга, огоҳликка хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида жамият ҳаётда юз берган муҳим ўзгаришлардан бири, шубҳасиз, миллий матбуотимиз тизимида сиёсий партиялар таъсис этган нашрларнинг пайдо бўлишидир. Партиялар Марказий кенгаши қошида матбуот хизматлари фаолиятини йўлга қўйилгани, сиёсий нашрларнинг ёш ходимлари учун маҳорат мактаблари, турли ўқув курслари ва семинарлар ташкил этилаётгани ҳам эътиборга молик воқеа. Журналистика назарияси ва амалиётида мамлакатимизнинг икки палатали парламенти фаолиятини, сайлов жараёнини ёритиш, матбуотда партиялараро рақобатнинг ўзига хос хусусиятларини, чунончи, партия нашрларида баҳс-мунозара юритиш этикасини ўрганиш каби янги тушунарлар пайдо бўлди. Журналист кадрларни тайёрлайдиган олий ўқув юрларининг ўқув режаларига шу муносабат билан тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди, дарслик ва қўлланмалар тайёрланди. Тегишли факультетлар ва сиёсий партиялар матбуот хизматлари ўртасида самарали ҳамкорлик алоқалари юзлаб келди. Ўқув жараёнини бевосита амалиёт билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Яна бир муҳим ўзгаришни партиялараро рақобатнинг партия нашрларида акс этамаётганида кўриш мумкин. Сиёсий партиялар нашрларида "Партиялараро баҳс", "Ўз-

ратаётган журналистлар, юқориде баён этилган янги ижтимоий-сиёсий реалликдан келиб чиқиб, назарий билим ва амалий кўникмаларини доимо мустаҳкамлаб боришлари, касб маҳоратларини муттасил оширишлари талаб этилади.

Партиялараро рақобатнинг кучайиши эндиликда ижтимоий ҳаётимизнинг узвий бир қисми, ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ўзига хос талаби бўлиб, бу жараённинг қамрови йилдан-йилга, баҳсдан-баҳсга, сайловдан сайловга ошиб боради. Демакки, партиявий нашрларнинг журналистлари бу жараённинг бевосита ичиде бўлиши ва унда фаол иштирок этиши, рақобатчи партия ва сиёсий ҳаракатларнинг Низоми, сайловолди платформалари, парламентда қабул қилинаётган қонун ёки қарор лойиҳаларига, жамиятда кечаётган жараёнларга ҳар бир фракциянинг муносабатини, улар орасидаги тафовутни яхши тасаввур қилиши, зарур ҳолларда холис баҳолай олиши лозим.

Журналистикада қиёсий таҳлил у ёки бу воқеага тўғри ва адолатли "ташҳис" қўйишнинг самарали усули ҳисобланади. Бу усул партия нашрлари журналистларига жуда қўл келади, деб ўйлаймиз. Аммо бунда бир муҳим жиҳат мавжудки, уни эътибордан соқит қилиш мутлақо мумкин эмас. Баҳс-мунозара дегани — фақат тортишиш, иккинчи томоннинг фикрини тамомла рад этиш, қабул қилмаслик, ўзининг ҳамиша ҳам тўғри ва холис бўлмаган қарашларини зўр бериб тасдиқлаш дегани эмас. Иккинчидан, баҳс-мунозарадан мақсад — баҳслашиб-тортишиб, бирор-бир муаммонинг тўғри ва адолатли ечимини топиш ва уни ҳал этиш-

дан иборат эмасми?! Ҳаётда шундай бўладик, гоҳо рақиб томоннинг фикри, тажрибаси, бошлаган ташаббуси ҳам қўл келиб қолади. Собиқ тўзум шароитида тўғри фикр ёки ҳулосани фақат бир томон, яъни ҳукмрон партия айтар эди, эндиликда эса бундай эмас — ҳақиқат турли қарашларнинг ўзаро муқоясасида ошкор бўлади. Шундай экан, партиялараро баҳсда, партия нашрларидаги тортишувларда, энг аввало, юксак сиёсий одоб ва маданият, ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилмаслик, шахсиятга тегмаслик, баҳс мавзусидан ташқарига чиқмаслик каби муҳим жиҳатлар талаб этилади.

Бизда ҳозир шундай бўлмақдаки, баҳслашаётган томонлар вақтларини кўпроқ рақиб томонни танқид қилишга, асосий ва муҳим нарсалар қилиб, айрим жузъий камчиликлар, масалан, бирор тўман кенгашида қайсидир масала муҳокамасида қатнашмаган партия вакилларига танбех беришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу нарса кўпроқ ижодкор журналистлар зиммасига юкланаётган. Баҳсда у ёки бу партиянинг вилоят, шаҳар ва туман етакчилари кўпроқ иштирок этишлари ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ. Чунки улар мунозарига сабаб бўлган муаммони, ҳар ҳолда, газета мухбиридан яхши билишади. Партиявий матбуот саҳифаларида халқ депутатлари кенгашларининг вилоят, шаҳар сессияларида турли партиялар вакиллари томонидан билдирилаётган, бир-биридан фарқланувчи фикрлар кам кўринаётгани, бизнингча, таассуфли ҳолатдир.

Бу тўғрида аввал ҳам ёзилган — ҳар гал парламентга навбатдаги сайлов муносабати билан жойларда сайловчиларнинг ҳам, депутатликка турли партиялардан кўрсатилган номзодларнинг ҳам фаоллиги, оддий ибора билан айтганда, куюнчаклиги ошиб кетади. Сайловолди учрашувларида ҳар бир номзод ўзининг бири иккинчисидан қизиқарли режаларини ўқиб эшиттиришади, куюк ваъдалар беришади. Жамият ҳаётда, одамларнинг кундалик турмуш тарзида учра турадиган камчиликларни бартараф этиш йўллари тақли этишади. Аммо сайловдан кейин бу жўшқинлик бир-мунча сусаяди. Бу ҳолат партия нашрларида ишлаётган журналистлар учун ўта қизиқарли ва муҳокамаси узок давом этадиган мавзу бўлиши керак.

Партия нашрлари, ўз-ўзидан равшанки, бошқа нашрлардан маълум жиҳатлари билан фарқ қилади. Бундай газеталарнинг ҳар бир сониде партия ички ҳаёти, бошланғич ташкилотлар фаолияти, партия фаолларининг таҳлилий чиқишлари, ўз-ўзини танқид, назарий мақолалар, амалий мулоҳазалар, оддий аъзоларнинг куюнчак мактублари бўлиши шарт, албатта. Аммо шунинг ҳам эътиборда тутиш керакки, партия нашрларини фақат партия аъзоларига эмас, ижодкор зиёлилар, олимлар, ўқитувчи-мураббийлар, ёшлар, бошқа касб эгалари ҳам ўқишади. Бинобарин, газета ижодкорлари шу тоифа газетонларни унутмасликлари, тахририятга йўланаётган мактубларга алоҳида эътибор билан қарашлари ва бу билан партия сафларига янги, мустақил фикрлайдиган фаол аъзоларни жалб қилишлари зарур.

Жамият ўзининг яқин-келгусидаги ва пировард натижадаги мақсад-муддасини аниқ белгилаб, шу йўлда изчил одимлаётган бир шароитда партиялараро рақобат, бошқа томоннинг ҳам фикрига қулоқ тутиш фойдадан холи эмас. Зеро, ҳақиқат баҳс-мунозарда, соғлом курашда ойдинлашади.

М.АҲМЕДОВ

Концепция: устувор вазифалар

Акциядорлик жамиятлари — бугунги кунда мамлакат иқтисодиётининг ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш соҳаларида етакчи мавқени эгаллагани ҳолда кенг тарқалган, бошқарув, қузатув ва ижро органлари орқали корпоратив муносабатларга фаол киришадиган юридик шахслар ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятлари:

бозор муносабатларига мос фаолият

Акциядорлик жамияти — устувор фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян микдордаги акцияларга тақсимланган ҳўжалик юритувчи субъектдир. Юридик шахс сифатида жамият ўзининг мустақил балансида ҳўжисога олинадиган алоҳида молликка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳўжукларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Миллий қонунчиликда акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳўжукларини ҳўжисога олиши масалаларида акциядорлик компанияларининг кодексини, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳўжукларини ҳўжисога олиши тўғрисида"ги Қонунни, Президент фармонлари ва қарорлари, Ҳўкумат қарорлари, идоравий норматив-ҳўжуклий ҳўжатлар, шунингдек акциядорлик жамиятларининг ички ҳўжатлари билан тартиб-ҳўлинадди. Шу билан биргаликда, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳўжукларини ҳўжисога олиши тўғрисида"ги Қонунни таққидий кўриб, янги тахрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унга корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳўжуклари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозим. Ушбу қонундаги акциядорлик жамиятларининг Кузатув кенгашлари, умумий йиғилишлари, тағтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар, яъни ишлаб чиқилган.

Алоҳида таъқидлаш лозимки, бугунги кунда ҳўкуматимиз томонидан акциядорлик жамиятларини тасдиқловчи муайян микдордаги акцияларга тақсимланган ҳўжалик юритувчи субъектдир. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳўжукларини ҳўжисога олиши тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилганлиги бунинг ёрқин далилидир. Чунончи, мамлакат раҳбарининг таъбири билан айтганда, "мамлакатимизда деярли барча ишлаб чиқариш объектлари акциядорлик компанияларини принциплари бўйича ташкил этилган, аммо улар ўз ҳўжукларидан қандай фойдаланмоқда, деган саволни ўзимизга бериб кўрайлик. Акциядорлик компаниялари ўзларининг бозор муносабатларига мос мақомига мувофиқ фаолият юритиши учун яна қандай механизмлари ҳаракатга келтириш зарур?"

Шу муносабат билан "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳўжукларини ҳўжисога олиши тўғрисида"ги Қонунни таққидий кўриб, янги тахрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унга корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳўжуклари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозим. Ушбу қонундаги акциядорлик жамиятларининг Кузатув кенгашлари, умумий йиғилишлари, тағтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар, яъни ишлаб чиқилган.

циядорларнинг кафолатларини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорларни ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутиш аниқ муддао бўлур эди."

Белгиланган вазифалар ижросини пухта ва ҳар томонлама амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳўжукларини ҳўжисога олиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги тахририни ишлаб чиқишда қўйидагилар асосий йўналиш сифатида белгилаб олиниши мақсадга мувофиқ. Биринчидан, акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, устав фондини шакллантириш, қимматли қоғозларнинг бозор қийматини белгилаш, жамият акцияларини жойлаштириш. Иккинчидан, акциядорлик жамиятнинг корпоратив бошқарув ва назорат органлари ваколатлари, ҳўжуклари ва мажбуриятларини белгилаш. Учунчидан, миноритар акциядорлар ҳўжукларини ҳўжисога олиши ва қонуний манфаатларини таъминлаш кафолатларини. Ниҳоят, тўртинчидан, акциядорлар ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик жамияти фаолиятига доир зарур маълумотларга батафсил эга бўлиш имкониятларини таъминлаш.

А.ЭРДОҲОНОВ, Р.РАШИДОВ,
Тошкент вилоят ҳўжалик судининг судьялари

Ўқув машғулотлари самараси ортмоқда

Адлия минбари

Мустақиллик йилларида оила институти такомиллаштирилди, унинг ҳўқуқий асоси тўлиқ яратилди. Оила билан боғлиқ бир қатор қонун ва қонун ости ҳўжатлар қабул қилинди. Жамият асоси бўлган оилани мустаҳкамлаш, оилада соғлом муҳитни камол топтириш, "Соғлом оила — соғлом бола" концепциясини амалга ошириш мақсадида юртимизнинг энг чекка туманларида малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиши учун шароитлар яратилмоқда, ўсиб келаётган ёш авлод билим олиши учун давр талабидаги ўқув даргоҳлари, мусика ва спорт мактаблари ташкил этилмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги қарори билан тасдиқланган "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирларининг мақсади-ли дастури"нинг 3-банди Адлия, соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳокимликлар, "Соғлом авлод учун" жамгармаси, хотин-қизлар қўмитасига тегиш-

ли бўлиб, унга кўра никоҳга-ча тиббий кўриқдан ўтказиш тизими, ёшларни соғлом оила барпо этишга тайёрлаш бўйича ФХДЁ бўлимлари ҳузуридеги доимий ишловчи ўқув курслари ишларини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш белгиланган. Жумладан, вилоят ФХДЁ бўлимлари ҳузуридеги ёшларнинг соғлом оила барпо этишга тайёрлаш бўйича доимий ишловчи ўқув курслари ташкил этилган.

ФХДЁ бўлимлари томонидан касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларига "Ёш оила қурувчилари" мактаби машғулотлари ўтилмоқда. Бу машғулотларга ФХДЁ бўлимларидан ташқари Хотин қизлар қўмиталари, "Оила" маркази, шифокорлар, психологлар, Ички ишлар идоралари, Прокуратура, маҳалла вакиллари, "Қамолот" ташкилотини жалб қилинган. ФХДЁ бўлимлари бу борада асосий маъсулятини ўз зиммаларига олган. Ўқув машғулотларининг маърузалари ҳар қандай расмийтаъсизликдан холи бўлиб, ҳаётий, жонли тарзда, ўқувчиларнинг қизиқишлари асосида ўтказилади. Тингловчилар оила қуришини ҳўқуқий асослари, никоҳ тузиш шартлари, никоҳга монелик қиладиган ҳолатлар, оиланинг иқтисодий таъминоти, қайнона-келин муносабатлари, шарқона одоб-ахлоқ, психологик, репродуктив маданият масалаларидан сабоқлар олишади.

Бундан ташқари, ФХДЁ бўлимлари томонидан "Оила дорилфунуни" ўқув машғулотлари ҳам ташкил этилган бўлиб, бу машғулотларга никоҳланувчи шахслар жалб қилинади. Улар билан эр-хотиннинг ҳўқуқ ва мажбуриятлари, соғлом оила — соғлом бола, репродуктив саломатлик, ота-она бўлиш маданияти каби мавзуларда суҳбатлар ўтказилади.

2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида қилинаётган ишларнинг давоми дейиш мумкин. Бу эса бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар қатори адлия органларига ҳам катта масъулият юклайди.

Ф.ЖАЛОЛОВ,
Андижон вилояти адлия бошқармаси етакчи масъулачиси

Он-лайн танлов: ёшлар фаоллиги ошмоқда

Истиқлол йилларида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Юртимизда жамиятни модернизация қилиш жараёнлари ўз навбатида тараққиётнинг "ўзбек модели"ни ҳаётга изчил татбиқ этиш имконини бермоқда. Эришилаётган натижалар халқро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Хусусан, мустақилликнинг илк йилларидаёқ ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, келажакнинг муносиб ворислари бўлиб улгайишлари учун яратиб берилган замонавий шарт-шароитлар глобал миқёсда тан олинаётгани барчамизни қувонтиради. Президентимиз 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб Тошкент шаҳрида ўтказилган маросимда оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида таъкидлаганидек, "Бугун ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга қиряпти. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонман". Бу сўзларнинг мазмун-моҳиятида навқирон авлодга нисбатан юксак меҳр, ишонч ва эътибор ёрқин ифодасини топган, десак аниқ ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шуларга уйғун тарзда бугун дийримиш ёшлари илгор ахборот-коммуникация технологиялари билан бемалол тиллашаётгани, улардан билим олиш жараёнларида унумли фойдаланишга эътиборга моликдир. Зеро, бугунги ҳаётимизни АКТСиз тасаввур этиб бўлмайди. Сабаби фан-техниканинг ушбу ютуғи, чунинчи, интернет аниқ пайтда барча соҳаларда муваффақиятга эришишнинг муҳим омилга айланиб улгурди. Ҳуқуқий саводхонлик ва маданиятни юксалтириш жабҳасида ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш кўзланган кўрсаткичларни қўлга киритишда катта аҳамиятга эга.

Маълумки, бугунги кунда юртимизда қонун ижодкорлиги, икки палатали профессионал парламентни шакллантиришда бир қатор ижобий янгилар амалга оширилмоқда. Бунга муштарак тарзда ҳаётимизда миллий парламентимизнинг ижтимоий-сиёсий ўрни, нуфузи ортиб бормоқда.

Албатта, ушбу жараёнлар ҳақида кенг омма, айниқса, ёшларга зарур ахборот ва маълумотларни етказишда, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ахборот технологияларининг роли катта.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайти www.parliament.gov.uzда ёшлар учун "Парламентаризм билимдони" он-лайн танлови эълон қилиниши ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.

Келинг, шу жойда мазкур танлов ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак.

"Парламентаризм билимдони" он-лайн танлови БМТнинг "Парламент ривожланишини қўллаб-қувватлаш" тараққиёт дастури лойиҳаси билан ҳамкорликда ташкил этилган

бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган. Унинг регламентига мувофиқ, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар бевосита он-лайн танловда қатнашиш ва, албатта, чин маънода парламент билимдонига айланиш имкониятига эгадирлар.

Бугунги кун талабидан келиб чиқиб таҳлил қилганда, ЎЗ миллий доменидан рўйхатдан ўтган расмий веб-сайтларда бу каби танловларни ташкил этиш аҳолининг нафақат сиёсий, балки ҳуқуқий ва маънавий саводхонлигини ҳам оширади. www.parliament.gov.uz веб-сайти бу жараёнда илк қадамни ташлади. Айнан ушбу он-лайн саҳифани кузатган ҳар бир фойдаланувчи бу каби янгиларга қизиқиши ва он-лайн танловда иштирок этишга қизиқиши табиий.

Танловда ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари ҳамда олий ўқув юрлари талабалари фаол иштирок этмоқда. Танлов 40 турдан иборат бўлиб, ҳар ҳафтанинг душанба кўни 3 тадан савол тўртта жавоб вариантлари билан эълон қилинади. Ҳар бир тўғри жавоб бир балдан баҳоланади. Танловда қатнашишни хоҳловчилар махсус сўровномани тўлдириши, унда ўзи ҳақида-

ги маълумотлар (исми-шарифи, туғилган йили, иш ёки ўқиш жойи, яшаш жойи ва телефон рақами)ни кўрсатиши лозим. Ҳафтанинг жума кўни тўпланган оралиқ баллар эълон қилинади. Унда қатнашчиларнинг исми-шарифи, рўйхатдан ўтган вақти ва тўпланган баллари кўрсатилади. Танловнинг эътиборли жиҳати шундаки, қатнашувчиларнинг баллари компьютер хотирасига киритилган тўғри жавоблар асосида ҳисоблаб борилади, яъни электрон ҳисоблағи ёрдамида ҳар бир иштирокчининг баллари ҳолис ва ҳаққоний баҳоланади. Бу каби он-лайн танловларнинг ташкил этилиши биринчи навбатда ўқувчи сиёсий онгини оширади. Яъни танловда иштирок этган ҳар бир иштирокчи парламент фаолияти, фракциялар, депутатлар, қўмиталар ва комиссиялар тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аини вақтда он-лайн танловда 2000 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этмоқда. Ёш иштирокчиларнинг 80 фоизини 14-25 ёшдагилар ташкил этмоқда. Уларнинг аксарияти мактаб, лицей ва коллеж ўқувчиларидир. Худудлар кесимида олганда, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё, Андижон, Фарғона, Наманган, Жиззах вилоятидаги ёшларнинг фаолияти кўзатишмоқда. Ҳатто энг чеҳра худудлардан ҳам ёшларнинг фаол иштироки эътиборга молик.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларда Ватан меҳри, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон ғояларини шакллантиришда "Парламентаризм билимдони" сингари он-лайн танловларнинг ўтказилиши муҳим роль ўйнайди. Ва, ўз навбатида, сиёсий жараёнларда мустақил фикр, эркин мулоҳазага эга ёшлар учун парламент тарихидан то бугунги ривожланиш босқичлари ҳақидаги тезкор, ҳолис ахборотга эга бўлиш учун www.parliament.gov.uz расмий веб-сайти ҳамisha хизматга тайёрдир.

Дилрабо ЖУМАТОВА

Божхона фаолияти ва ОАВ

Тадбир

"Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплексида Журналистлар ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда "Божхона органлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг муҳим тамойиллари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда божхоначилар, соҳага ихтисослашган журналистлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.



Тадбирда сўз олган Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов истиқлол йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қонуний кафолатларини таъминлашга қаратилган, халқро демократик талаб ва стандартларга тўла жавоб берадиган ҳуқуқий замин яратилгани, соҳанинг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланиб, бу борадаги ишлар изчил давом эттириляётганини алоҳида қайд этиб ўтди.

Ўтган йили Президентимизнинг "27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни" муносабати билан журналистларга йўллаган табриғида қайд этилганидек, "Ҳаётимизда ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, уларни одамларнинг ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш бугунги кунда энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда".

Мазкур йўналиш бўйича божхона органлари фаолияти-

да ҳам сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Зеро, жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш, республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш ва мамлакатда ягона божхона сиёсатини яритишда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик муҳим роль ўйнайди.

Қувонарлиси шундаки, Президентимизнинг 2011 йил 10 августдаги "Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан Давлат божхона қўмитасининг барча таркибий тузилмаларида, хусусан, "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплексида ҳам оммавий ахборот воситалари билан алоқалар гурӯҳи, содда қилиб айтганда, матбуот хизматлари ташкил этилди. Бу эса том маънода божхона органларида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқаларини ривожлантиришга ҳамда иш сифатини янги поғонага кўтаришга хизмат қилди.

Биргина "Тошкент-Аэро"

ихтисослаштирилган божхона комплекси мисолида оладиган бўлса, ўтган салкам бир йил мuddат давомида комплекс фаолияти бўйича оммавий ахборот воситаларида юзга яқин чиқишлар ташкил қилинди. Уларнинг мазмун-мундарижасига эътибор қаратадиган бўлса, фаолиятнинг ошқоралигини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ва кенг жамоатчиликнинг божхона органларида амалга ошириляётган турли йўналишлардаги кенг қамровли ислохотларнинг бориши тўғрисида мунтазам хабардор қилиш асосий тамойилларга айланганини қузатиш мумкин. Энг муҳими, қисқа давр мобайнида божхона тизимини ёритишда Матбуот хизмати билан ҳамкорлик қиладиган журналистлар гурӯҳи, улар билан ишлаш тартиби шаклланди.

Учрашув давомида мавзу юзасидан фикр алмашиди, янги таклифлар ўртага ташланди. Фурсатдан фойдаланиб, божхоначилар ҳам ўзларини қизиқтирган қўллаб-саволларга жавоб олдилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати

Маданият уйи эмас, тўйхона керакми?

Бу саволга Янгиқўрғон туман ҳокимлиги ва халқ депутатлари туман Кенгашидаги энг кўп — 20 та ўринни эгаллаб турган «ХДП»чилардан жавоб кутиб қоламиз

Ижро ҳокимиятларида нима гап!

Бундан икки йил муқоддам юртимизда аҳолининг маданий дам олиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 322-сонли Қарори қабул қилинган эди.

Ҳўш, ушбу ҳужжатга мувофиқ жойларда, хусусан, Янгиқўрғон туманида Давлат дастурининг ба-жарилиши қандай кечмоқда?

Янгиқўрғонда бўлганимизда туман марказида жойлашган маданият ва истироҳат боғининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва боғ фаолиятини янада такомиллаштириш режаси ишлаб чиқилгани хусусида маълумот олдик. Режага кўра Ўзбекистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан ишлаб чиқилиб, тасдиқланган намунавий лойиҳа асосида мазкур боғнинг худуди, тип ва бошқа ҳужжатлари тайёрланиши, қурилиш ишлари ҳам ана шу лойиҳада кўзда тутилган ҳолда бошланиши лозим экан. Гарчи ҳозирга қадар ўша лойиҳанинг ўзи бўлмаса-да, туман

ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Баҳодир Қўпайсиновнинг таъкидлашига қараганда, мазкур боғда 2011 йилнинг дастлабки ойларидан буён анча-мунча ишлар амалга оширилган, шунга яраша маблағ ҳам сарфланган. Бу яхши, албатта. Ахир кун келиб, бажарилган ишлар лойиҳа талабига мос келмай қолиши ҳам мумкин-ку.

Ҳужжатларда мазкур маданият ва истироҳат боғининг

майдони 5 гектар деб кўрсатилган. Бироқ аниқ вақтда боғ ичида фаолият олиб бораётган ва яқин йилларда қуриб битказилган савдо ҳамда умумий овқатланиш бинолари ҳам шу майдон доирасида эканлиги кейинчалик қурилиш-обodonлаштириш ишлари олиб бориш учун монелик туғдирмасмикин? Зеро, бу биноларнинг аксари боғ майдонига орқа ўғирилган ҳолда қурилган. Айниқса, бу ердаги умумий овқатланиш шохобчаларининг таом тайёрлайдиган, идиш-товуқ ювадиган хоналари ва чикиндилар ташланадиган жойлари боғ ҳовлисида ўрин олганлиги дам олувчиларга нуқулаллик туғдирмайдими?

Дарвоқе, туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган яна бир ҳисоботда боғни кесиб ўтган Намангансой ҳамда суьёйи кўл тозаланганлиги ҳам ай-тилади. Лекин бу гапга ишониш мумкин: суьёйи кўлнинг бугунги аҳоли анчайин ачинарли.

Бундан ташқари, боғ директори томонидан 4 та аттракцион, чархпалак, «Вертолёт», кема, 3 та «ракета» таъмирланиб бўялганлиги, «Юра парки» ҳайвонларининг ҳайкаллари ҳамда боғ дарвозаси ўрнатилганлиги айтилади. Аммо бугун бу ерга ташир буюр-

ган дам олувчи узоқ вақтдан буён айланмайдиган «Чархпалакни», аксари ишламай ётган аттракционларни ҳамда анча йиллар муқаддам қурилган боғ дарвозасини қузатиши мумкин, холос.

Янгиқўрғон туманидаги баъзи қишлоқ маданият уйлари бинолари «Тегсанг, тўкиламан» деб қалтираб турибди. Мисол учун, «Зарбдор» қишлоғида жойлашган маданият уйи биноси 1988 йилда қурилган бўлиб, 16 мингдан зиёд аҳолининг маданий хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган. Икки қаватли бу хашамдор бинонинг ичига киришга одам қўрқади. Қоп-қоронги зал, йиллар давомида қаровисиз ташлаб қўйилган 450 ўринли томошагоҳ, хувиллаб ётган тўғарак хоналари, сўппайиб турган пианино, биттагина рубоб, тўрт-бешта қий-шайган стол-стул... Шунга қарама-қарши маданият уйи мутасаддисининг заррача ишти-боҳисиз «Рақс, пианино, доира ва рубоб тўғаракларимиз мунтазам ишлаб турибди», деб туриши кишини мутаассир этади.

Туманнинг Заркент қишлоғида жойлашган маданият уйи 1936 йилда қурилган. «Суяғи» бутун бу бинони 2005 йили хусусий тадбиркор О. Ҳайитбоев сотиб олган эди. Шундан бери кераксиз турган бино

ҳозирда реконструкция қилиниб... тўйхонага айлантирилмоқда!

Тумандаги ўзақ қишлоқ маданият уйи биносида 200 ўринли томоша зали мавжуд эди. Бу бино 2005 йилда тадбиркор В. Тўхтаасиновга сотилди. Сезиб турганингиздек, ҳозирда бу жой ҳам тўйхона!..

Ҳолбуки маданият уйлари кишилар дунёқарашини юксалтирадиган, одамларга рухий-маънавий озиқ берадиган гўша эмасми? Бундай даргоҳларда турли маданий анжуманлар, давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар, учрашувлар, концертлар, театр томошалари уюштирилиши керак эмасми? Буларнинг ўрнига эса ана ва яна тўйхона!

Ҳўш, нима учун бу масала ўз ҳолига ташлаб қўйилган? Халқ вакиллари бўлган депутатлар бу борада нима ишлар қилишяпти? Тўхлил жараёнида аниқландики, халқ депутатлари Янгиқўрғон туман Кенгашида энг кўп, аниқроғи 20 депутатлик ўринни «ХДП»чилар эгаллаб туришибди. ХДП вакиллари деярли барчаси тумандаги ижтимоий-иқтисодий секторларда, жамоатчилик назорати ишларида етакчи. Аммо юқоридаги масала бирор марта ҳам Халқ депутатлари туман Кенгашининг сессиясида кўриб чиқил-



магани кишини ажаблантиради...

Жорий йилнинг 7 майида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли кенг қатламлари, айниқса, ёшларнинг ўсиб бораётган маданият-маърифий ва ижодий эҳтиёжларини қондириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, бебаҳо номоддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва асраб-авайлаш, ўзбек халқининг урф-одатлари, анъаналари ҳамда ўзига хос миллий-маданий қадриятларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармойиши эълон қилинди. Бу ҳужжатда алоҳида таъкидлаб ўтилган ва-

зифаларни муваффақиятли амалга оширишда эса қишлоқ маданият уйларидаги ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор. Шундай экан, Халқ депутатлари Янгиқўрғон туман Кенгаши депутатлари, биринчи галда кўпчилик ўринни эгаллаб турган «ХДП»чилар «Сен менга тегма, мен сенга тегмай» принциpidан воз кечиб, мавжуд муаммони бартараф этиш юзасида амалий ишларга қачон киришишлари бизни қизиқтиради, албатта. Ёки депутатлар учун ҳамон маданият уйидан кўра тўйхона аҳамиятликроқ, муҳимроқ бўлиб қолмоқдами?..

Сандолим АБДУРАҲМОНОВ, «Adolat» муҳбири

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

27 ИЮНЬ

мамлакатимиздаги барча журналистларни ҳамда ОАВ ходимларини касб байрами билан самимий қутлайди.

Уларга соғлиқ-омонлик, хотиржамлик, ижодий парвозлар тилайди.



Матбуот анжумани

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантириш борасида амалга оширилган ишлар, истиқболдаги режалар» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

«Соғлом авлодни шакллантириш

мамлакатимиз сиёсатининг туб моҳиятидаги масалалар



Таъкидландики, аёлга ва ўсиб келаётган ёш авлодга эътибор, бу — жамиятнинг эртаси ва келажагига эътибор демасдир. Шу сабабдан мамлакатимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом авлодни шакллантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори соҳа ривожига янги имкониятларни очиб берди. Натижада мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида жойлашган қишлоқ врачлик пунктлари ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган йиллар мобайнида умумий қиймати 30 миллион АҚШ доллар бўлган 3172 та тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуналар

келтирилди, 90 та туман тиббиёт бирлашмалари лабораториялари диагностика апаратуралар ва жиҳозлар, 575 та биохимик анализаторлар билан таъминланди. Қишлоқ туманларида репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашдаги асосий вазиफलардан бири соғлом оилани шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, болаларни эмлаш, касалликларни олдини олиш, аҳолининг, айниқса, фертил ёшидаги аёлларни, болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш, ҳомиладор аёлларни эрта муддатларда назоратга олиб, асоратларнинг олдини олиш, скрининг текширувдан ўтказиш, микронутриентлар билан ўз вақтида таъминлаш, нохуш ҳомиладорликнинг олдини олиш мақсадида фертил ёшидаги аёлларни замонавий контрацептив воситалар билан таъминлашдир.

Эътироф этилдики, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ҳар йили 400 минг нафардан зиёд ҳомиладор аёлларга давлатимиз томонидан бепул поливитамин минерал комплекслари тарқатилмоқда.

Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази ва унинг вилоят филиаллари репродуктив саломатлиқ ва соғлом оилани шакллантиришга оид масалаларда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда ва уларнинг тиббий маданиятини ривожлантириш борасида муҳим вазибаларни амалга оширмоқда. Соҳани янада ривожлантириш мақсадида ҳар бир туманда репродуктив хоналар ташкил этилиб, уларда жами 573 та мутахассис фаолият кўрсатишмоқда. Улар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш билан бир қаторда уларнинг тиббий маданиятини юксалтиришда ҳам фаол иш олиб бормоқдалар.

Тадбирда журналистлар қишлоқ туманларида соғлиқни сақлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар борасида ўзларини қизиқтирган саволларига тўлиқ жавоб олдилар.

Ойбек ТОЖИБОВ

Бозор — барака маскани

бўлмоғи ва унда савдо хизмати тизими қонунларимиз доирасида фаолият кўрсатиш шарт

Қарор ва ижро

Бу борада Президентимиз томонидан 2010 йил 26 апрелда қабул қилинган «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ижроси вилоятимиз бозорларида қатъий, изчил амалга оширилмоқда. Яъни, дехқон (озик-овқат) бозорлари, ихтисослаштирилган ва буюм бозорлари (савдо комплекслари) бошқаруви тизими фаолияти такомиллашиб, кўрсатилмаётган хизмат турлари ҳамда ҳажмлари кенгайиб бораётир. Аҳолига хизмат кўрсатиш сифати тобора ошиши билан бирга бозорлар ва савдо комплексларида пул оқимларини тўлароқ ҳисобга олиш таъминланаёпти. Айни кезде паст сифатли, қалбаки ва контрабанда маҳсулотлари сотувига чек қўйилмоқда.

Вилоят ҳудудида ҳозирги кунда 54 та, жумладан 30 та асосий бозор ва 24 та бозор филиаллари ҳамда 6 та савдо комплекси фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 36 таси юридик мақомига эга бўлиб, шундан 19 таси дехқон, 3 таси буюм ва 8 таси ихтисослаштирилган бозорлардир. 6 та савдо комплекси ва ихтисослаштирилган бозорларнинг 7

таси мол бозорлари ҳисобланади. 100 дан ортиқ турғун савдо шохобчалари ва савдо ўринларига эга бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг 28 та филиаллари бор. Барчасида кунлик патта ва ижара тўловларини ундириш, назорат қилиш мақсадида махсус банк тизими ўрнатилган.

Бозорлар ҳудудида ва уларга тугаш жойларда 2 та авто-

транспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари белги-ланган тартибда бозорлар ихтиёрига ўтказилган. Юридик шахс мақомидаги 17 та дехқон (озик-овқат) бозорлари ва уларнинг 7 та филиалларида бозорга олиб келинаётган маҳсулотлар сифатини аниқлайдиган экспресс-анализ (тахсил) лабораториялари ишлаб турибди.

Вилоят бўйича «Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш» бўлими ходимлари томонидан вилоят ҳудудидаги бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари, шунингдек, улар ҳудудида ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларни аниқлаш мақсадида шу йилнинг ўтган ойлари ичида 161 та, жумладан 73 та рейд, 86 та қисқа муддатли тешириш тадбирлари ўтказилди. Улар юзасидан ҳудудий Давлат солиқ инспекцияларида маъмурий тартибда ҳал этилган материаллар сони 11 та бўлди. Судга маъмурий чора кўриш учун юборилган

материаллар 119 тага етди. Масалан, бўлим томонидан Когон шаҳридаги «Имомназар Барака Савдо» МЧЖда ўтказилган ўрганиш натижасида МЧЖнинг айбдор мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-модда 2-қисми «б» банди ва 189-модда 3-қисми 48503-сонли жиноят иши кўзгатилади. Шунингдек, шаҳардаги ноқонуний ҳолатларга йўл қўйишган «Сохибкор» дехқон бозори МЧЖнинг мансабдор шахсларига нисбатан ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми «в» банди ва 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзгатилади.

Мантқан кўриниб турибдики, мамлакатимизда бозорлар токи барака масканлари экан, улардаги савдо хизмати тизими ўз фаолиятини қонунларимиз доирасида олиб бормоғи лозим ва шарт.

Баҳодир МУҲАМЕДОВ,

«Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш» Бухоро вилоят бўлими суриштирув шўъбаси бошлиғи

Талабалар танлови

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Мустаҳкам оила йили муносабати билан «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор» мавзусида танлов ўтказилди.

Танловнинг биринчи bosқичи олий таълим муассасаси факультетларининг академик гуруҳлари талабалари ўртаси-

да, иккинчи bosқичи олий таълим муассасаси миқёсида факультетлараро голиблар ўртасида ўтказилган бўлса, учинчи

bosқич республика олий таълим муассасалари голиблари ўртасида бўлиб ўтди.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабаси Э.Маматов «Энг яхши мақола», Тошкент иқтисодий университети талабаси «Энг яхши реферат», Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти талабаси Т.Ражабова «Энг

яхши иншо» йўналишлари бўйича биринчи ўринни эгалладилар.

Голиблар пул мукофотлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар.

Шоҳиста АЛИМХУҲАЕВА




"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси

жамоаси

Юртимиз доврғини, бағрикени, саховатли халқимиз қадриятларини ҳақонга шанитаётган, юртошларимизни дунё янгиликлари билан доимий равишда хабардор қилиб келаётган ОАВ ходимларини анганавий касб байрамлари билан тин дилдан қўплайди.

Барфаларига муштазкам соғлиқ, эзгу ишларида омад тилайди.



Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот нашрларига обўна бўлинг!

«Adolat»

ижтимоий сиёсий газетасига реклама ва эълонлар қабул қилинади.
тел. факс 8-371 233-40-86, 233-41-89

Самарқанд вилоят «МАТБУОТ» уюшмаси МЧЖ

барча қалам аҳлини
27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни
билан чин юракдан табриклайди.

Ҳақиқат, адолат ва холислик ҳамини иш фаолиятининг мезони бўлсин!

Машаққатли, айна пайтда бағоят шарафли ишларингизда ривож тилаймиз.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ БИРЛАШГАН ТАРИХИЙ-МЕЪМОРИЙ ВА БАДИИЙ МУЗЕЙ-ҚЎРИҚХОНАСИ ЖАМОАСИ

27 ИЮНЬ — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни

муносабати билан соҳа фидойиларини самимий муборакбод этади!

Маънавиятимизда демократик ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга асосийроқ қисса қўйиб келаятикан
қўриқчиларимиз ва барча матбуот ходимларига қўр-қўрлаш,
сизга-саломатлик, шундан-яна илҳомий ишларингизга омад тилаймиз.

Сифат ривожланиш йўлида

Кўкон синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонасининг сертификатлаштириш идораси, аккредитланган физик-кимёвий кўрсаткичлар бўйича синов мажмуаси ва маҳсулотларни геометрик ва механик катталар бўйича синов лабораторияси томонидан жорий йил 1-чорак давомида «Маҳсулотларни ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан муайян ишларни амалга оширди.

Хусусан, марказнинг сертификатлаштириш идорасига ушбу давр мобайнида маҳсулотларни сертификатлаштириш учун 456 та ариза ва мурожаатлар бўлиб, миллий тизимда белгиланган тартибга асосан, 512 та мувофиқлик сертификати тақдим этилди. Жумладан, 99 та мувофиқлик сертификати қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат, 413 та мувофиқлик сертификати кўра ярқисиз маҳсулот бўлмади. Демакки, ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорларимиз ҳам сифат учун интиломда, қурашмоқда.

Кўкон ССМ ДК томонидан корхоналарда ИСО 9001 стандарти асосида сифат тизимини жорий қилиш мақсадида «Бешариқтекстил» ОАЖ ҚК билан шартнома имзоланди. Тасдиқланган календар режага асосан мутахассислар иш-тироқида бу ерда ўқув семинари ташкиллаштирилди. Ҳозирги кунда биринчи босқич ишлари яқунланиш арафасида. Келажақда ушбу жамоа маҳсулотлари дунё бозорида ҳам ўз ўрнини топиши шубҳасиз.

Марказнинг аккредитланган физик-кимёвий кўрсаткичлар бўйича синов мажмуаси томонидан эса қишлоқ хўжалик, озиқ-овқат ва парфюмерия-косметика маҳсулотлари ҳамда

геометрик ва механик катталарга бўйича синов лабораторияси томонидан автомобиллар ва велосипедлар учун шиналар, камералар синовларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиб келинмоқда. Умуман, 2012 йилнинг 1-чорагида умумий қиймати 5364690,94 сўмлик маҳсулотлар бўйича 2115 та синов ўтказилиб, 786 та синов баённомалари расмийлаштирилди. Шундан салбий натижалли синовлар сони 12 тани ташкил этди. Яроқсиз деб топилган маҳсулотлар тўғрисида тегишли давлат органлари ва истеъмолчиларга маълумот берилди.

Ўлчов воситаларини мажбурий давлат кўригидан ўтказиш учун метрологик қиёслол шартномаларини амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги қонуни талабларини бажариш борасида Кўкон синов ва сертификатлаштириш марказининг ўлчов воситалари устидан давлат метрологик текширув бўлими томонидан вилоятдаги корхоналар ва ташкилотлар билан тўлиқ амалий ишлар олиб борилаётир. Жумладан, ўлчамлар бирлигини таъминлаш ва вилоятдаги ўлчов воситаларини ҳисобга олиш мақсадида худуддаги 170 та корхона, ташкилот ва фирмалар билан қиёслаш шартномалари тузилган. «Водийгазтаъминот» УК, «Фаргона электр тармоқлари» ОАЖ ва «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармаси билан Кўкон, Фарғона ССМлари ўртасида

ишлаб чиқилган қўшма буйруқларга асосан «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонунларнинг бажарилиши ва унда ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш, хомашё лабораториялари ва ёнилғи энергетика ресурсларининг аниқ ҳисоб-китобини олиш ишларини амалга ошириш бўлими амалга оширилди. 2012 йилнинг 1-чораги давомида ўлчов воситаларини мажбурий давлат кўригидан ўтказиш учун метрологик қиёслол шартномаларини амалга ошириш борасида бўлим томонидан 9070 донга ўлчов воситаси давлат кўригидан ўтказилиб қиёсланди, шундан 40 донаси яроқсиз деб топилди ва у жами қиёсланган ўлчов воситаларининг 0,4 фоизини ташкил этди. Худудда 11 та дехқон бозори бўлиб, марказ ходимлари томонидан бозорларда ўлчов бирлигининг ягоналигини таъминлаш, тарозитошларни давлат кўригидан ўтказиш борасида қатъий назорат ўрнатилган. Зеро, давлат стандартига амал қилинган жойда ривожланиш, тараққиёт бўлади, истеъмолчи ҳуқуқи қамалганда, энг муҳими, сифатни юқори босқичга кўтарган бўлаемиз.

Валижон ҲАЙДАРОВ,
Кўкон синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси директори

Реклама ўрнида

Савобталаб халқимиз кимгадир ёрдам қўлини узатаётганда «бу одам менга бегона-ку» ёки кимнингдир ташвишига ҳамдард бўлаётганда «у туғишганим ҳам, қариндошим ҳам эмас-ку» деган ўйга бормаган ҳеч қачон. Кўнгли буюрдими, имкони борми, яхшилик қилишга интилган.

Саховати, муруввати беғараз, беминнат бўлган. Масалан, инсон ҳаётини сақлаб қолишдек савобли юмушлардан бири — қандайдир бахтсиз ходиса туфайлими ёки бошқа бир хасталик сабаблими саломатлиги хавф остида қолган одамларга ўз тана-сидаги қонидан қон бериб турувчи кишилар — донорлар айни шундай феъл-атворга эга инсонлардир.

— Қон ва унинг таркибий тузилмаларига бўлган эҳтиёж тобора ошиб бораётган ҳозирги кунда донорларнинг ўрни айрича моҳият касб этади, — дейди Фарғона вилояти, Эшарик тумани қон қуйиш бўлими ҳаками Р.Ўтабоев. — Биласиз, шифо масканларида мураккаб жарроҳлик амалиёти пайтида беморларга баъзан зудлик билан қон қуйиш керак бўлиб қолади. Чунки, бемор ўша кезде ўлим билан юзлашган бўлади. Унга қон керак! «Қаердан, қимдан олиш мумкин?» — деган савол — муаммо пайдо бўлади. Турғи келган одамдан олиб бўлмайди. Шунда тиббий қўрик ва лаборатория таҳлил-ла-

Донор — эзгуликка йўғрилган инсон



ридан мунтазам ўтиб турувчи, ҳаёти эзгулик, саховат, мурувват каби олижаноб хислатлар ила чулганган инсонлар — донорлар кўмакка келади. Бизнинг туман қон қуйиш бўлими ходимлари ўз фаолиятларини мамлакатимизда қабул қилинган «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикасида бадалсиз донорлик фаолиятини ривожлантириш дастури» (2008 йил) асосида олиб боришмоқда. 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган соғлом фуқаролардан 85 нафар захирода турган донорларимиз бор. Улар берган қон туфайли ўнлаб инсонлар ҳаёти сақланиб қолинмоқда...

Бўлим ҳаками таърифлаганидек, донорлар ўз ҳаётини эзгулик, саховат ва мурувватга бағишлаган инсонлардир. Биргина шу йилнинг ўтган салкам олти ойи давомида улар ёрдами билан мазкур туман қон қуйиш бўлимида 16 литрдан кўпроқ қон зардобини ва 6 литрдан зиёд эритилган масса тайёрланиб, реанимацияга тушиб қолган кўпга беморларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Айниқса, Авазбек Алиев, Мусурмонкул Худойбердиев, Аҳаджон Пулатов, Маҳбуба Жўраева, Олимжон Ҳасанов сингари кўпдан-кўп фол донорларнинг беғараз, беминнат кўмаги катта бўлаётти. Улар орасида ҳатто 20-25 йилдан буён донорлик қилаётган ҳиммати балинд фуқаролар борлиги ҳам мақтовга, ҳайратга моликдир.

Яқинда анъанага кўра кенг нишонланган Халқаро донорлар кунини туманда ана шу қалби эзгуликка, меҳр-мурувватга йўғрилган саховатпеша юртдошларимизнинг яхшилик йўлидаги хайрли ишлари рағбатлантирилиб, улар билан бир қилиб ҳаётини қўриқиб келган туман марказидаги шинам масканлардан бирини ўтган мазкур тадбирга туман ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бўлими, туман Қизил Ярим Ой жамияти, қон қуйиш бўлими жамоалари ҳомийлик қилдилар.

Ғулом ХИДИРОВ,
«Adolat» муҳбири

Сўнгги саҳифа



Битирувчи — 2012

Ватан салоҳияти ёшлар қўлида

Самарқанддаги ҳарбий-қурилиш академик лицейида битирувчиларга диплом топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур таълим даргоҳи ҳарбий касбларни эгаллашни истаган ёшлар учун чинакам камолот мактабига айланган. Бу ерда республикамизнинг турли вилоятларидан 450 нафар истеъдодли ўқувчилар илм олишмоқда. Уларга малакали ўқитувчилар ўз билим ва тажрибаларини ишга солиб сабоқ беришмоқда, академик лицейида спорт ва ҳарбий тайёргарлик дарслари чуқурлаштирилган дастур асосида ўтказилаётгани ёш талабаларни ҳар томонлама чиниккан, баркамол «авлод» бўлиб вояга етишига кўмаклашмоқда.

Таълимда замонавий, илгор услубларни қўллаб, ёшларни олий ўқув юртларига тайёрлаш ёки мустақил ҳаётга йўлланма бериш педагог-устозларнинг асосий ишларига айланган, — дейди академик лицей директори Ҳикматилло Норқораев. — Шу мақсадда мамлакатимизда фаолият юритаётган академик лицейлар билан мунтазам таъриба алмашиб турамыз, ҳамкорлик қилаемиз.

Академик лицейнинг бу йилги 140 нафар битирувчиларига диплом топшириш тантанасида уларнинг устозлари, ота-оналари, меҳнат фахрийлари иштирок этдилар. Ёшлар ҳарбий касбнинг етук мутахассислари бўлиб мустақил ҳаётга қадам қўйишлари, Ватаннинг муносиб ҳимоячилари сифатида обрў қозонишлари учун самимий тилаклар изҳор этилди. — Ўғлим Зоҳиржон Раззоқов ҳарбий мутахассис бўлиб етишяётганидан хурсандман, — дейди самарқандлик Наима Каримова. — Энди у ва унинг тенгдошлари юртга муносиб ўғлон бўлишсин. Ўз навбатида талабалар устозларига миннатдорлик билдириб, ишончини оқлагга, улур мақсадларни амалга оширишга сўз бердилар.

Зоҳир Тўрақулов, «Adolat» мухбири

«Андижон нефть базаси» УК

Истифжол
солномасти
битаётган
фидойи
журналистлар,
ноширлар
ва матбаатчиларни
касб байрамлари
билан
ён дилдан
қўплайди.

Ушбу шарафли
касб соҳиблари —
ижод аҳлига юрт
равнақи, халқ
фаровонлиги бўлидаги
сўғи-ҳаракатларининг
бардавом бўлисин,
деймиз.

Партия тарихи Устав Фракция
Раҳбарият Онлайн депутат
Куий палата депутатлари
Маҳаллий кенгаш депутатлари
Ижроия Кўмитаси Матбуот хизмати Пленумлар
www.adolat.uz
Аёллар қаноти Янгиликлар
«Адолат» газетаси «Адолат» кутубхонаси
Партия Кенгашлари Жаҳон сиёсий партиялари

Ўқинг, бу қизиқ

Энг тезкор компьютер

АҚШнинг IBM корпорацияси дунёда энг тезкор «Sequoia» суперкомпьютерини яратди.

РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, ушбу суперкомпьютер 6,7 миллиард одам 320 йил давомида оддий калкуляторда амалга оширадиган ҳисоб-китобни бир соатда ундай олади. У бир сонияда ўн олти минг триллион операцияни бажариш имконига эга. «Sequoia» Linux операцион тизими ёрдамида ишлайди. Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳозир дунёдаги энг тезкор ўнта компьютернинг учтаси америкаликларга тегишли. Германия ва Хитойда иккитадан, Япония, Франция ва Италияда биттадан суперкомпьютер мавжуд.

Аллергияга қарши вакцина

Финляндиялик олимлар аллергия қўзғатувчи барча моддаларга қарши тура оладиган универсал вакцина устидо иш олиб бормоқда.

«ЎЗПАХТАСАНОАТ»

юшмаси жамоаси

мамлакатимиз қалам аҳлини,
барча матбуотчиларни

21 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни

билан самимий муборакбод этади.

Юртимиз тинч, осмонимиз ҳаминша мўсаффо бўлсин.
Қалби қайноқ, сўзи ўткир,
оташнафас журналистлар ижоди бундан-да гуллаб яшнасин.
Юртимиз тараққиёти йўлида қилаётган меҳнатлари ҳаминша ўз самарасини берсин.

Байрамнингиз муборак бўлсин!

www.adolat.uz сайти саҳифаларида:

- «Онлайн депутат» лойиҳасида янги қаҳрамон. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, фракциямиз аъзоси Мавлуда Нишонов ва сизлардан савол, фикр-мулоҳаза ва мурожаатлар кутмоқда.
- Финляндия социал-демократик партияси раҳбари қайта сайланди. Бу билан партияда қандай ўзгаришлар ва янги ислохотлар рўй бериши тахмин қилинмоқда? «Жаҳон сиёсий партияларида» саҳифасини ўқинг.
- «Адолат» СДП фаолияти, бўлиб ўтган тадбирлар ёки сайтда чоп этилган материалларга ўз муносабатингизни эркин билдириш имкониятига эгасиз. «Фикр-мулоҳазалар» бўлими айнан Сиз учун!

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси партия фахрийси
Абдулла АРТИҚОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ADOLAT ижтимоий-сиёсий газета

Баш муҳаррир: Худоев МАМАТОВ
Баш муҳаррир биринчи ўринбасари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Нашир учун масъула)

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14;
Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39;
Телефонлар: қабулхона — 236-53-14, 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89.

Набатчи муҳаррир — Қаҳрамон Қўлдошев.
Набатчи — Илбес САХАТОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиб фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган. НАШР КЎРСАТКИЧИ: 200 ISSN 2093-5217

Таҳририят манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. «Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буортма Г—600. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 9550. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.00. adolat_gazeta@mail.ru 1 2 4 5